XALQ DEPUTATLARI SAMARQAND VILOYATI KENGASHINING
Q A R O R I

2021 - yil 30 - dekabr VI-53-126-7-0-K/21 Samarqand viloyat hokimligi

Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг 2021 йилдаги кутилаётган ижроси ҳамда 2022 йилги маҳаллий бюджетнинг белгиланган асосий параметрлари тўғрисида

Бюджет кодексининг 99-моддаси, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддалари, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 01/20-01-32/841-сонли кўрсатмасини инобатга олиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши олтинчи чақириқ, эллик учинчи сессияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ги Қонунига (кейинги ўринларда Қонун деб аталади) мувофиқ Самарқанд вилояти маҳаллий бюджетининг 2022 йил учун даромадлари 3 955,8 млрд.сўм, харажатлари 4 963,8 млрд.сўм прогноз қилинганлиги ҳамда республика бюджетидан ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар 1 008,0 млрд.сўм миқдорида тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Қуйидагилар:

2022 йил учун Самарқанд вилоятини ривожлантиришнинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ҳамда 2023-2024 йилларга мақсадли

мўлжаллари 1-иловага мувофиқ;

2022 йил учун вилоят маҳаллий бюджети даромадлари прогнози 2-иловага мувофиқ;

2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари 3-иловага мувофиқ;

2022 йил учун туманлар ва шаҳарлар бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар нормативлари 4-иловага мувофиқ;

Бунда, ажратмалар нормативлари бўйича вилоят маҳаллий бюджети билан туман ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларининг тақсимотини ўрнатилган тартибда вилоят Ғазначилик бошқармаси томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2022 йилги даромадлари ва харажатларининг чегаравий хажмлари 5-иловага мувофиқ;

2022 йил учун туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Бунда, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорини туман ва шаҳар маҳаллий бюджетлари даромадлари прогнози ижросидан қатъий назар камайтиришга йўл қўйилмаслиги инобатга олинсин.

4. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети захира жамғармаси ҳажмлари 16,1 млрд. сўммиқдорида белгилансин.

5. Туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг 2022 йил учун захира жамғармалари тегишли бюджетлар тасдиқланган умумий харажатларининг камида 1,0 фоизи миқдорида шакллантирилсин.

6. 2022 йил учун вилоятнинг вилоят бюджети шахсий ғазна ҳисобварақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 11 122,0 млн сўмни ҳамда туманлар ва шаҳарлар бюджетлари шахсий ғазна ҳисоб варақларида турган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори 7-иловага мувофиқ белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикасининг “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида” ги Қонуни билан 2022 йилда халқ депутатлари Кенгашларининг маҳаллий бюджетларни бошқаришда,

хусусан, маҳаллий бюджет харажатларини ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчилар кесимида тасдиқлаш ва уларнинг Кенгаш олдидаги ҳисобдорлигини белгилаш бўйича ваколатлари кенгайтирилганлиги инобатга олинсин.

8. 2022 йилда қуйидаги солиқ турлари:

а) шаҳар ва туманлар бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи;

жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи;

жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкни ижарага беришдан оладиган йиллик даромади тўғрисидаги декларацияга асосан тўлайдиган, шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар тўлайдиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, бундан электр станциялари томонидан тўланадиган солиқ мустасно;

айланмадан олинадиган солиқ;

давлат объектларини ижарага беришдан олинадиган даромадлар;

норуда қурилиш материаллари бўйича ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.

мобиль алоқа хизматлари учун, сигарет учун ва алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пиво учун акциз солиғидан тушумлар 2021 йил 1 июль ҳолатига кўра туман ва шаҳар аҳолисининг вилоят аҳолисидаги улушига мувофиқ.

б) вилоятнинг вилоят маҳаллий бюджетига тўлиқ ҳажмда ўтказилади:

қонунчиликда белгиланган миқдорлардаги давлат божлари (патент божларидан ва лицензиялар берганлик учун давлат божларидан ташқари);

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган жарималар;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг улуши бўйича дивидендлар (даромадлар) ва ажратмалар;

электр станциялари томонидан тўланадиган сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;

вилоят, туман ва шахарлар ҳокимларининг қарорлари асосида

сотиладиган давлат мулки обьектларини сотишдан олинган даромадлар;

тадбиркорлик ва шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш ер участкаларини «e-ijro auksion» савдо майдончаси оркали сотишдан тушган тушумлар;

давлат фойдасига мусодара қилинган мол-мулкни сотишдан тушган тушум.

в) қуйидагилар, вилоят бюджети ҳамда шаҳар ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади:

юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ;

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи;

бензинни, дизель ёқилғисини ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғи;

айрим турдаги товарларнинг чакана савдосига доир ҳуқуқ учун йиғимлар;

қонунчиликда белгиланган миқдорларда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ундириладиган бошқа йиғимлар (божхона органлари томонидан ундириладиган йиғимлардан, ғилдиракли транспорт воситалари, ўзиюрар машиналар ва уларнинг тиркамалари учун ундириладиган утилизация йиғимидан, шунингдек автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома бериш учун тўловдан ташқари)

Бунда, қонунга мувофиқ вилоят маҳаллий бюджетига ажратма қилинган 100 фоиз миқдордаги жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан тушумларнинг (жисмоний шахсларнинг мол-мулкини ижарага беришдан оладиган йиллик даромадлари бўйича декларацияга асосан тўланадиган ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган даромад солиғидан ташқари) ҳамда фойда солиғидан тушумларнинг (Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ йирик солиқ тўловчилар, Ўзбекистон Республикасида доимий фаолият олиб борувчи муассаса орқали фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан, шунингдек норезидентларнинг тўлов манбаида ушлаб қолинадиган даромадларидан тўланадиган фойда солиғидан ташқари) шаҳар ва туманлар ўртасида тақсимланиши таъминлансин.

9. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ураков), вилоят Молия бош бошқармаси (Мирзаев), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Инагамов) туман

(шаҳар) ҳокимликлари, масъул бошқарма ва ташкилотларга:

тегишли бюджетларни, биринчи навбатда, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, озиқ-овқат, дори-дармон ва коммунал хизматлар харажатларининг режалаштирилишини назарда тутган ҳолда шакллантириш;

маҳаллий бюджети прогноз кўрсаткичларини ўз вақтида ва самарали бажариш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ва масъулиятни янада кучайтириш;

тегишли маҳаллий бюджетларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ тушумини таъминлаш;

бюджет даромадлар базасини ошириш ва қўшимча резервларни аниқлаш зарурлигига алоҳида эътибор қаратиш топширилсин.

10. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ураков), халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти (Юлдашев), шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

бюджет даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари бажарилишини таъминлаш;

солиқ базасини кенгайтириш, иқтисодий салоҳиятни ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаш, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш устидан қатъий назоратни ўрнатиш;

ҳудудий бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг бюджет маблағларидан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар бўйича ҳисоботларини халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашларига киритиб борилишини таъминласин.

11. Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари – матбуот котиби (М.Мирзаев), вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси (А.Анваров) ушбу қарорни “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталарида расман эълон қилинишини ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига ҳамда Lex.uz Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базасига жойлаштирилишини таъминласинлар.

12. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Насруллаев) ва вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Ураков) зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Э.Турдимов**

Халқ депутатлари Самарқанд
вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-53-126-7-0-K/21-сон қарорига
1-илова

2022 йил учун Самарқанд вилоятини ривожлантиришнинг асосий иқтисодий прогноз кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	2022 йил учун прогноз
1.	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд.сўм	58 648,0
2.	Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг ўсиш суръати, фоизда	7,3
3.	Истъемол нархлари индекси, декабрда аввалги йил декабрь ойига нисбатан, фоизда	10,5
4.	Саноат маҳсулотларининг ўсиш суръати, фоизда	6,6
5.	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, фоизда	3,2
6.	Чакана товар айланмасининг ўсиш суръати, фоизда	3,6

Халқ депутатлари Самарқанд
вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-53-126-7-0-K/21-сон қарорига
2-илова

2022 йил учун вилоят маҳаллий бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичлари

минг сўмда

Т/Р	Даромад турлари	Жами
ЖАМИ		**1 801 259 680,0**
1	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	285 540 650,0
2	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	866 198 950,0
3	Акциз солиғи, жами	74 674 600,0
	шу жумладан:	
	- якуний истеъмолчиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	*74 674 600,0*
4	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ	41 935 860,0
5	Юридик шахслар ер солиғи	59 703 120,0
6	Давлат божи	197 903 000,0
7	Давлат ташкилотлари фойда солиғи	23 099 000,0
8	Давлат мулки обьектларини сотишдан олинган даромадлар	25 000 000,0
9	Жарималар	108 779 000,0
10	Давлат фойдасига мусодара қилинган мол-мулкни сотишдан тушган тушум	4 144 000,0
11	Йиғимлар	114 281 500,0

Халқ депутатлари Самарқанд
вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-53-126-7-0-K/21-сон қарорига
3-илова

2022 йил учун Самарқанд вилоятининг вилоят бюджетидан ҳудудий бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган харажатларнинг умумий чекланган миқдорлари

минг

сўмда

№	Кўрсаткичлар	миқдори
Харажатлар миқдори, Жами		**2 809 122 126,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	**1 182 345 357,0**
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	**455 776 161,0**
	Туман ва шахар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	**1 171 000 608,0**
1.	**Мактабгача таълим бошқармаси**	**100 700 097,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 131 208,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	96 568 889,0
2.	**Халқ таълими бошқармаси**	**343 174 351,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	149 860 487,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	193 313 864,0
3.	**Касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш ҳудудий бошқармаси**	**1 238 799,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 238 799,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
4.	**Соғлиқни сақлаш бошқармаси**	**602 655 911,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	525 655 911,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	77 000 000,0
5.	**Маданият бошқармаси**	**58 199 354,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	58 199 354,0

	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
6.	**Самарқанд вилояти Маънавият ва маърифат маркази**	**2 302 720,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 302 720,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
7.	**Йўл ҳаракати эксплуатация ва монтаж бўлимлари**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
8.	**Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси**	**17 529 292,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	17 529 292,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
9.	**Қишлоқ хўжалиги бошқармаси**	**12 709 466,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	4 942 466,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	7 767 000,0
10.	**Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
11.	**"Ўзагрокимёҳимоя" ҳудудий акциядорлик жамияти**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
12.	**Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялар ва энергетика бошқармаси**	**151 149 299,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	151 149 299,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
13.	**Транспорт бошқармаси**	**7 123 967,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	7 123 967,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
14.	**Экология ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш бошқармаси**	**6 760 549,0**

	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 760 549,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
15.	**Молия бош бошқармаси**	**1 218 802 656,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	47 802 048,0
	Туман ва шаҳар маҳаллий бюджетларига трансфертлар	1 171 000 608,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
16.	**Халқ депутатлари Вилоят Кенгаши**	**1 555 685,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 555 685,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
17.	**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Самарқанд вилоятидаги муассасалар**	**29 122 651,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	29 122 651,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
18.	**Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси**	**2 487 095,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 487 095,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
19.	**Туризмни ривожлантириш бошқармаси**	**31 903 872,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	31 903 872,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
20.	**Ўрмон хўжалик бошқармаси**	**23 291 296,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	23 291 296,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
21.	**Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаси**	**5 336 363,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	5 336 363,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
22.	**Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш бошқармаси**	**232 010,0**

	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	232 010,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
23.	**Монополияга қарши курашиш қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси**	**1 596 141,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 596 141,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
24.	**Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ҳудудий бошқармаси**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
25.	**Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳудудий бошқармаси**	**1 465 017,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 465 017,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
26.	**Бандлик ва меҳнат муносабатлари бош бошқармаси**	**1 778 325,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	1 778 325,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
27.	**Қурилиш бош бошқармаси**	**2 792 081,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 792 081,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
28.	**Инвеститциялар ва ташқи савдо бошқармаси**	**10 723 631,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 723 631,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
29.	**Адлия бошқармаси**	**10 733 034,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	10 733 034,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
30.	**Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси**	**13 651 513,0**
	шу жумладан:	

	жорий харажатлар	13 651 513,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
31.	**Вилоят ҳокимлиги**	**130 750 877,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	49 624 469,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	81 126 408,0
32.	**Ёшлар агентлиги ҳудудий бўлинма**	**6 570 830,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 570 830,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
33.	**Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспециясининг ҳудудий бошқармаси**	**0,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
34.	**Сайлов комиссисиялари**	**62 991,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	62 991,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
35.	**Давлат архиви бошқармаси**	**3 764 677,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	3 764 677,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
36.	**Маҳалла ва оила бошқармаси**	**2 614 430,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	2 614 430,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	
37.	**Бошқа ташкилотлар**	**6 343 146,0**
	шу жумладан:	
	жорий харажатлар	6 343 146,0
	объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар	

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-53-126-7-0-K/21-сон қарорига
4-илова

2022 йил учун шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмалар меъёри

Т/Р	Шахар ва туманлар номи	Юридик шахслар-нинг мол-мулк солиғи	Юридик шахслардан олинадиган ер солиғи	якуний истеъмол-чиларга бензин, дизель ёқилғиси ва газ реализация қилишдаги акциз солиғи	Йиғимлар (божхона йиғим-ларидан ташқари)	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	Корхоналар айланмасидан солиқ	Давлат мулки бўйича ижара тўловлари
1	Самарқанд шаҳри	10	10	10	10	12	10	100	100
2	Каттақўрғон шаҳри	100	100	100	100	50	60	100	100
3	Оқдарё тумани	100	100	100	10	45	30	100	100
4	Булунғур тумани	100	100	100	100	60	50	100	100
5	Жомбой тумани	10	100	100	100	40	15	100	100
6	Иштихон тумани	100	100	100	100	60	45	100	100
7	Каттақўрғон тумани	100	100	100	50	65	50	100	100
8	Қўшработ тумани	100	100	100	100	45	60	100	100
9	Нарпай тумани	100	100	100	100	65	50	100	100
10	Пойариқ тумани	100	100	100	100	70	30	100	100
11	Пастдарғом тумани	100	100	100	100	65	40	100	100
12	Пахтачи тумани	100	100	100	100	60	30	100	100

13	Самарқанд тумани	10	10	10	10	15	10	100	100
14	Нуробод тумани	100	100	100	100	45	10	100	100
15	Ургут тумани	100	100	100	100	70	30	100	100
16	Тайлоқ тумани	100	20	20	100	45	50	100	100

Халқ депутатлари Самарқанд
вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-53-126-7-0-K/21-сон қарорига
5-илова

Шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларининг 2022 йилги даромадлари ва харажатларининг чегаравий ҳажмлари

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Даромад	Харажат
	ЖАМИ	**2 154 518 320,0**	**3 325 647 578,0**
1	Самарқанд шаҳри	311 436 480,0	391 339 041,0
2	Каттақўрғон шаҳри	65 333 700,0	115 707 519,0
3	Оқдарё тумани	92 301 000,0	145 532 499,0
4	Булунғур тумани	107 783 400,0	182 042 148,0
5	Жомбой тумани	99 709 400,0	151 375 835,0
6	Иштихон тумани	118 834 850,0	184 591 291,0
7	Каттақўрғон тумани	144 723 800,0	223 793 089,0
8	Қўшработ тумани	86 130 800,0	138 415 144,0
9	Нарпай тумани	108 041 150,0	186 488 988,0
10	Пойариқ тумани	130 880 800,0	264 530 795,0
11	Пастдарғом тумани	213 906 350,0	303 425 872,0
12	Пахтачи тумани	90 054 000,0	165 583 241,0
13	Самарқанд тумани	128 670 990,0	178 849 042,0
14	Нуробод тумани	111 165 850,0	160 193 462,0

15	Ургут тумани	230 200 300,0	367 635 849,0
16	Тайлоқ тумани	115 345 450,0	166 143 763,0

Халқ депутатлари Самарқанд
вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-53-126-7-0-K/21-сон қарорига
6-илова

2022 йил учун шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар миқдорлари

минг сўмда

Т/р	**Шаҳар ва туманлар**	**Тартибга солувчи трансферт миқдори**
	ЖАМИ	**1 171 129 258,0**
	шундан	
1	Самарқанд шаҳри	79 902 561,0
2	Каттақўрғон шаҳри	50 373 819,0
3	Оқдарё тумани	53 231 499,0
4	Булунғур тумани	74 258 748,0
5	Жомбой тумани	51 666 435,0
6	Иштихон тумани	65 756 441,0
7	Каттақўрғон тумани	79 069 289,0
8	Қўшработ тумани	52 284 344,0
9	Нарпай тумани	78 447 838,0
10	Пойариқ тумани	133 649 995,0
11	Пастдарғом тумани	89 519 522,0
12	Пахтачи тумани	75 529 241,0
13	Самарқанд тумани	50 178 052,0
14	Нуробод тумани	49 027 612,0
15	Ургут тумани	137 435 549,0
16	Тайлоқ тумани	50 798 313,0

Халқ депутатлари Самарқанд
вилоят Кенгашининг
2021 йил 30 декабрдаги
VI-53-126-7-0-K/21-сон қарорига
7-илова

2022 йил учун вилоят бюджет, шаҳар ва туманлар маҳаллий бюджетлари шахсий ғазна ҳисобварақларида турадиган бюджет маблағларининг йўл қўйиладиган энг кам миқдори

минг сўмда

Т/р	Ҳудуд номи	Миқдор
	ЖАМИ	**36 279 000,0**
	шундан	
1	Вилоят бюджети	11 122 000,0
2	Самарқанд шаҳри	3 573 000,0
3	Каттақўрғон шаҳри	1 030 000,0
4	Оқдарё тумани	1 046 000,0
5	Булунғур тумани	1 267 000,0
6	Жомбой тумани	1 160 000,0
7	Иштихон тумани	1 467 000,0
8	Каттақўрғон тумани	1 506 000,0
9	Қўшработ тумани	1 038 000,0
10	Нарпай тумани	1 448 000,0
11	Пойариқ тумани	1 892 000,0
12	Пастдарғом тумани	2 052 000,0
13	Пахтачи тумани	1 217 000,0
14	Самарқанд тумани	1 493 000,0
15	Нуробод тумани	1 331 000,0
16	Ургут тумани	2 456 000,0
17	Тайлоқ тумани	1 181 000,0